2006 ЙИЛ, 24 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 38 (10.595) Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Яккасарой туманидаги 26- мактабда «Камолот» ЁИҲ ва «Камалак» болалар ташкилотининг туман бўлимлари ҳамкорликларида ташкил этилган «Аждодларимиз мероси ва бой тарихимиз— буюклик рамзи» мавзуидаги кўрик-танловда 7,8,9-синфлари ўқувчилари иштирок этишди.

● **БУГУН** 230-мактабда «Камолот» ЁИҲ Ҳамза туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан қизлар иштирокида уюштирилган давра суҳбати «Балоғат даври учрашуви» деб номланди.

● **ЭРТАГА** Миробод туманидаги ҳарбий қисмда ҳарбий қисм ташкил этилганлигининг тўққиз йиллигига бағишлаб ўтказиладиган тадбирда туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими вакиллари иштирок этишади.

● **БУГУН** Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Мирзо Улуғбек туман Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган конференция «Ўзбекистонда меҳнат бозорининг шаклланиши ва аҳоли бандлиги муаммолари. Ёшларнинг ижтимоий ҳолати» деб номланди.

● **БУГУН** 192-мактабда «Камолот» ЁИҲ Шайхонтоҳур туман бўлими Кенгаши, «Маҳалла умидлари» маркази ҳамкорликларида "Маҳалланинг намунали қизи" кўрик-танловининг саралаш босқичи ўтказилди.

● **БУГУН** Юнусобод туманидаги 70-мактабда Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми жамғармаси, "Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорликларида ташкил этилган "Интеллектуал олимпиада" лойиҳаси доирасида "Сиз тарихни биласизми?" мавзуида кўрик-танлов ўтказилди.

● **БУГУН** Юнусобод туманидаги "Қашқар" маҳалласида фаоллар ва ёшлар иштирокида "Соғлом оила — соғлом жамият" мавзуида ўтказилган давра суҳбати "Маънавият ва маърифат" марказининг туман бўлими томонидан уюштирилди.

● **БУГУН** Бектемир туманидаги "Ниҳол" спорт мажмуасида туман хотин-қизлар қўмитаси, "Маънавият ва маърифат" маркази, "Камолот" ЁИҲ, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, "Адолат" социал-демократик партиясининг туман бўлимлари ҳамкорликларида қизлар ўртасида уюштирилган баскетбол, волейбол мусобақалари Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланди.

● **КЕЧА** Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаш агентлиги аккредитация кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ушбу соҳани такомиллаштириш мақсадида шу кунгача бажарилган ишлар ва келгуси режалар муҳокама этилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**





**ПОЙТАХТИМИЗНИНГ СЕРГЕЛИ ТУМАНИДА ИККИ МИНГДАН ЗИЁД ТАДБИРКОР ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН БЎЛСА, КУНИ КЕЧА БЎЛИБ ЎТГАН «ТАШАББУС — 2006» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ТУМАН БОСҚИЧИДА УЛАРНИНГ ЭНГ САРАЛАРИ ҚАТНАШИБ, ЎЗ МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТИШДИ.**

*Ташаббус — 2006*

## ЭНГ ИЛҒОР ТАДБИРКОРЛАР БЕЛЛАШДИ

Бугунги кунда ўзларининг салқин ичимликлари билан мамлакатимиз бозорида алоҳида ўринга эга бўлган «SIBUR» масъулияти чекланган жамияти, рақобатбардош тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариб нафақат ички бозорни таъминлаётган, балки ҳадемай хориж бозорига чиқиб республикамиз экспорт салоҳиятини юксалтиришга интилаётган «PAY-SA-TEKSTIL» масъулияти чекланган жамияти, автомобилсозлик саноати учун импорт ўрнини босувчи сифатли ойна маҳсулотлари тайёрлашни ўзлаштирган «MIRIADA» масъулияти чекланган жамияти, маҳаллий хом ашё — табиий чармдан талаблар даражасидаги либос ва буюмлар тикаётган хусусий тадбиркор Лола Галка, замонавий линияларда ишлаб чиқарилаётган табиий шарбатлари билан қишин-ёзин Ўзбекистон меваларининг таъмини истеъмолчига барча дармондорилари сақланган ҳолда етказаётган «GREEN WORLD» қўшма корхонаси, офис ва идора мебелларининг янги дизайни устида изланишлар олиб бораётган «Махсус-мебель» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси ҳамда қўли гул ҳунар эгаларининг барчаси кўрик-танловга алоҳида тайёргарлик кўришгди. Бунга ҳакамлар ҳайъати аъзолари ҳам, томошабинлар ҳам улар ташкил этган кўргазмаларни кўриб яққол гувоҳ бўлишди.

Ниҳоят танловнинг шаҳар босқичига йўлланма олган ғолиблар номи аниқланди. Бундай шарафга 1-ўрин соҳиблари «Энг яхши тадбиркор» номини олган «SIBUR» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Улуғбек Ҳайитов ҳамда «Энг яхши ҳунарманд» деб топилган Камола Субҳонова сазовор бўлишди. Шунингдек, тадбиркорлар орасидан 2-ўрин «MIRIADA» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Алламурод Шамшетовга, 3-ўрин эса «Махсус-мебель» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси директори Қаюмжон Зоҳидовга насиб этди. Ҳунармандлардан Мирҳамид Мирсоатов 2-ўрин ва Рустам Бобожонов 3-ўрин соҳиби деб топилди. Ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совринлар, барча иштирокчиларга эса эсдалик совғалари топширилди.

* * *

Ўзига хос тарзда ташкил этилган кўрик-танловнинг Юнусобод туман босқичида 8 нафардан тадбиркор ҳамда ҳунармандлар беллашишди. Айниқса, улар орасида янги тадбиркорлик субъектлари борлиги, ушбу жамоаларда бозоргир маҳсулот турлари ортишига қаратилаётган эътибор кўргазма залида яққол исботини топди.

— Иш бошлаганимизга ҳали кўп бўлгани йўқ, — дейди «Тош-пайпоқ» масъулияти чекланган жамияти директори Абдуғаффор Ўрозов. — Лекин ўтган икки йил давомида ишлаб чиқариш ҳажмини бир неча баробарга оширишга, маҳсулот турларини кўпайтиришга муваффақ бўлдик. Бу борада аввало изланишларимиз муҳим аҳамият касб этса, энг муҳим омил эса юртимизда тадбиркорликка қаратилган юксак эътибор, Президентимизнинг Фармон ва Қарорлари асосида яратилаётган имтиёз ва кафолатлардир. Ушбу тадбирда қатнашар эканман, ҳали ўз устимизда кўпроқ ишлаш лозимлигини англадим, ҳамкорлар билан яхши фикрлар алмашишга муяссар бўлдим.

Шунингдек, «Ташаббус»нинг бу йилги босқичи «Истиқлол- Файз» хусусий фирмаси, «Шер-Аз-техно» масъулияти чекланган жамияти сингари тадбиркорларни эл-юртга танитди. Қўли гул ҳунармандларнинг санъат даражасидаги маҳсулотлари эса миллий қадриятларимизни эъзозлаб, кишида фахрланиш туйғусини уйғотгани, шубҳасиз.

Кўрик-танлов иштирокчилари томонидан кўзда тутилган барча шартлар муваффақиятли бажарилгач, ҳакамлар ҳайъати қўйилган балларни жамлаб тадбирга якун ясади. Сараларнинг саралари иштирок этган танловда «Шер-Аз-техно» масъулияти чекланган жамияти 1-ўринга эришди ва «Энг яхши тадбиркор» номинацияси ғолиби бўлди. 2- ва 3-ўринлар «Тинос» хусусий фирмаси ҳамда «Мавлон-техник» масъулияти чекланган жамиятига берилди.

Ҳунари гўзаллар орасидан ғолиб топилган Камолиддин Раҳимов туманнинг «Энг яхши ҳунарманд»и эканлиги эълон қилинди. Миниатюра устаси Шерзод Ҳожиматов 2-ўринга, заргар Муҳсин Дадамуҳамедов эса 3-ўринга лойиқ деб баҳоланди.

Аввало совринли ўрин соҳиблари — ғолиблар, сўнгра эса барча иштирокчилар мусиқа садолари остида муносиб тақдирландилар. Энг муҳими, ушбу рағбат уларни янада куч-ғайрат ва изланиш билан меҳнат қилишга ундашидир.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: шаҳримиз туманиларида ўтказилган кўрик-танловдан лавҳалар.**

**Наталья Семёнова ва Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

## АЁЛ ВА СПОРТ

**ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ, МИЛЛИЙ ОЛИМПИЯ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ АЁЛЛАР ВА СПОРТ КОМИССИЯСИ ҲАМДА БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҲАМКОРЛИГИДА ЎТКАЗИЛГАН РЕСПУБЛИКА СЕМИНАРИ АНА ШУ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ. УНДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, БИР ҚАТОР ОЛИЙ ВА ЎРТА-МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ҲАМДА ЖАМОАТЧИЛИК ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.**

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифалар асосида оила ва жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим шарти сифатида спортга эътибор кучайди. Бугунги кунда хотин-қизлар ташкилотлари оилавий, болалар ва аёллар спортини ривожлантириш бўйича фаол ишлар олиб боряпти. Спорт секциялари кўпаймоқда. Спортчи оилалар сони сўнгги икки йил ичида 293 минг 291 тага етди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари ҳамда «Аёллар ва спорт» комиссияси билан ҳамкорликда кўплаб мусобақалар ўтказилмоқда. Хотин-қизлар спартакиадалари, «Тўмарис» қизлар фестивали, «Энг спортчи оила» мусобақалари, ногирон болалар ўртасидаги махсус олимпиадалар тобора оммалашмоқда.

Семинар қатнашчилари айни пайтда бу борада муаммолар ҳам кўплигини таъкидладилар. Хусусан, ҳамма жойда ҳам спортга муносабат бир хил эмас. Масалан, Сирдарё, Жиззах, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида хотин-қизларни сузиш, синхрон сузиш, енгил атлетика, қўл тўпи, стол тенниси, теннис секцияларига жалб этиш даражаси паст. Ҳатто Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида ҳам спортнинг айрим турлари бўйича кўрсаткичлар талаб даражасида эмас.

Республика анжумани қатнашчилари хотин-қизлар ўртасида спортни оммавийлаштириш учун яхлит тизим яратиш лозим, деган хулосага келдилар. Бухорода бу борада муайян тажриба шаклланганини қайд этилди.

Ушбу вилоятда спортнинг 37 тури бўйича федерациялар ташкил этилган бўлиб, улар болаларни, жумладан қизларни ташкилий асосда спортга жалб этишда бош- қош бўлмоқда. Стадион ва мажмуаларда ихтисослашган секциялар фаолият кўрсатмоқда. Спорт иншоотларини зарур жиҳозлар билан таъминлаш чоралари кўриляпти. Ўтган йили шу мақсадда 275,4 миллион сўм маблағ сарфланди. Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтида эса хотин-қизлар учун 17 хилдаги мавсумий спорт кийимлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Спортнинг оммавийлигини таъминлашда оила-мактаб-маҳалла ҳамкорлиги муҳим омил бўлаётир. Бугунги кунда 6-17 ёшли қизларнинг 37,9 фоизи, талаба- ёшларнинг эса 42 фоизи жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланяпти.

Вилоятда бадиий гимнастикага ҳам қизиқиш катта. Қишлоқ жойларида шу турга мўлжалланган замонавий марказлар ишлаяпти, янгилари қуриляпти. Ҳозирги пайтда бадиий гимнастика билан шуғулланаётганларнинг 65 фоизини қишлоқ қизлари ташкил қилмоқда.

Анжуманда хотин-қизларни спортга жалб қилиш билан боғлиқ муаммолар ечими ҳақида ўзаро фикр алмашилди. Илғор тажрибаларни оммалаштириш, соғломлаштириш гуруҳларини кўпроқ ташкил этиш, мураббийлар, айниқса, аёл тренерлар тайёрлаш, бу борадаги кадрлар танқислигини ҳал қилиш мақсадида жисмоний тарбияга алоқадор мутахассисларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, ёшлар ўртасида компьютер интеллектуал спорт ўйинларини тарғиб қилиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Семинар иштирокчилари Бухоро шаҳридаги «Ҳумо», «Нафис», «Ситора», «Семурғ», «Ёшлик» спорт мажмуалари, Пешку ва Ромитан туманларидаги қишлоқ бадиий гимнастика марказлари иш фаолияти билан танишиб, Вобкент туманидаги замонавий гимнастика марказининг очилиш маросимида қатнашдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

**Эркин ЁДГОРОВ, ЎзА мухбири**

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **БУГУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ. УНДА МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЖТИМОИЙ - ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ БОРАСИДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА МОЛИК ҚАТОР МАСАЛАЛАР ВА ҚОНУНЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА.**

● **Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида қишлоқ мулкдорлари— фермерлар билан мулоқот ўтказилди. Шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари, солиқ ва молия муассасалари раҳбарлари қатнашган мулоқотда фермерлар ушбу ҳаракатни янада ривожлантириш борасидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.**

● **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Болалар жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, республика «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Жиззахда ўтказилган кўргазмали семинар «Камқонлик касаллигининг келиб чиқиши ва унинг олдини олишда бойитилган уннинг самараси» мавзуига бағишланди.**

● **Андижон вилоятида мамлакатимиз Президенти соврини учун ўтказилаётган тадбиркорларнинг «Ташаббус — 2006» кўрик-танловининг туман ва шаҳар босқичлари якунланди.**

● **Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институтида бўлиб ўтган илмий-амалий семинарда Ўзбекистон-Россия муносабатларининг янги имкониятлари муҳокама қилинди.**

● **Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида «Демократия: уни Шаркда ва Ғарбда қандай тушунадилар?» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ушбу марказ, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ва Фридрих Эберт номидаги жамғарма (Германия) ҳамкорлигида ташкил этилган, ушбу тадбир «Фуқаролик форуми» доирасида амалга оширилди.**

● **Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармасининг Қашқадарё вилояти Бўлими томонидан Қарши шаҳрининг 2700 йилигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. «Қарши: кеча, бугун, эртага» деб номланган бу мулоқотда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан келган турли фан ўқитувчилари қадимий ва ҳамиша навқирон Насафнинг тарихи, ҳозирги тараққиёти ва истиқболи ҳақида қизиқарли маълумотлар олдилар.**

● **Сурхондарёдаги Археология музейи халқаро доирада "Энг яхши музей" деб эътироф этилди. Гап шундаки, бундан тўрт йил муқаддам ташкил этилган ушбу музей олимлари жиддий илмий изланиш олиб бордилар. Бу ерда амалга оширилаётган кашфиётлар, изланишлар ва унинг натижалари интернетда мунтазам ёритиб борилди. Натижада мазкур музей халқаро "Музейлар кўрик-фестивали"нинг ғолибларидан бирига айланди.**

● **Навоий шаҳар санъат коллежи концертлар залида вилоятдаги фольклор жамоаларнинг «Наврўз-2006» деб номланган катта фестивали бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси, халқ ижодиёти маркази, «Камолот» ЁИҲ ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад энг яхши жамоаларни аниқлаш ва улар ижросидаги куй-қўшиқларни ҳар йили ўтадиган миллий байрам дастурига киритишдан иборат эди.**

### ЖАҲОНДА

● **Фаластиндаги ФАТХ ҳаракати ХАМАС гуруҳи томонидан шакллантирилаётган коалицион ҳукумат таркибига қўшилишга розилик берди. Бу ҳақда ФАТХнинг парламентдаги фракцияси раҳбари Аъзам ал-Аҳмад маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, якуний қарор янги ҳукумат дастури тўлиқ келишилгандан кейин қабул қилинади.**

● **Ироқнинг Самарра шаҳридаги муқаддас маскан ҳисобланган икки машҳур шиа имоми дафн этилган ал-Асқарий мақбарасида қўпорувчилик ҳаракати содир этилди. Мақбарада рўй берган портлашдан сўнг шиалар масжид ёнида норозилик намойишини бошлаб юборишди. Мамлакат Президенти Жалол Талабоний ироқликлардан ушбу воқеа туфайли салбий оқибатлар вужудга келтирмасликни сўради.**

● **Қозоғистон Миллий хавфсизлик қўмитаси ходимлари Чеченистондаги Россияга қарашли ҳарбий ҳаракатларда фаол қатнашган жангарилардан бирини қўлга олдилар. Россия махсус хизмати вакиллари ушланган шахс Шомил Басаев ва террорчи Абу-Зейд қўли остидаги асосий жангарилардан бўлганини маълум қилди.**

● **Англиянинг Кент графлигидаги депозитар марказда 25 миллион фунт стерлинг (44 миллион доллар)лик ўғирлик содир этилди. Графликда юз берган бу ўғирлик Европа тарихида содир этилган йирик жиноятлардан бири бўлиб қолиши мумкин. Жиноятчиларнинг усталиклари туфайли, полиция уларнинг изига тушолмаяпти.**

### ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 25 февраль куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ғарбдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 1 даража совуқ билан 1 даража илиқ, кундузи 8-10 даража иссиқ бўлади.

*Фармон ва ижро*

# КАСАНАЧИЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ ЙЎЛИДА

**МАЪЛУМКИ, ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ БИР ҚАТОР ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИ АҲОЛИНИНГ БАНДЛИК ДАРАЖАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ, ОРТТИРАЁТГАН ДАРОМАДЛАРИНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИГА ҚАРАТИЛГАН. 2006 ЙИЛ 5 ЯНВАРДАГИ «ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИ БИЛАН КАСАНАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДАГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТЛАР ЎРТАСИДА КООПЕРАЦИЯНИ КЕНГАЙТИРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ БУ БОРАДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИЧКИ СИЁСАТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАДИ.**

Ушбу Фармоннинг ижросини таъминлаш йирик саноат корхоналари билан касаначилар ўртасида кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш, оила бюджети даромадларини оширишдек муҳим муаммоларини ҳал этиш, иш билан банд бўлмаган аҳоли қатламини кескин қисқартириш ва унинг фаол қисмини ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилиш имконини беради.

Бу борада Собир Раҳимов туманида бир қатор ишларни амалга ошириш махсус режа асосида йўлга қўйилган. Ҳозирда 10 кишидан иборат ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланди. Унга меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, иқтисодиёт, давлат солиқ инспекцияси, статистика, молия бўлимлари, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуаси ҳамда хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, тадбиркорлар касаба уюшмаси ходимлари жалб этилди.

— Касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш борасида бир қатор корхоналарни жалб этганмиз, — дейди Собир Раҳимов туман ҳокимлиги Иқтисодиёт бўлими бошлиғи Равшан Маҳамадалиев. — “Оникс”, “Ёшлик”, “Тошкент-мебель”, “Подшипник корхонаси” акциядорлик жамиятлари, “Бош кийимлар фабрикаси”, “Қадоқловчи”, “Ёш футболчи”, “Металлни қайта ишлаш”, “Сағбон-нон” сингари йигирмага яқин корхоналар шулар жумласидандир.

Айтиш жоизки, туманда мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона раҳбарлари, бош ҳисобчилари иштирокида “ Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” мавзуидаги семинарнинг ташкил этилиши бу борадаги ишларни янада ривожлантириш, ўзаро ҳамкорлик истиқболларига замин ҳозирлаганлиги билан эътиборлидир.

Белгилаб қўйилганидек, йирик саноат корхоналарининг буюртмалари бўйича касаначилар меҳнатини ривожлантириш учун жойлардаги мавжуд заҳира ва имкониятлар аниқланди. Шу билан бир қаторда саноат корхоналари ва касаначилар ўртасидаги кооперацияни янада жонлантириш, корхоналарнинг буюртмалари бўйича уйда ўтириб ишлайдиган фуқароларни асбоб-ускуналар, хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар билан таъминлаш учун барқарор шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, ишлаб чиқарилган маҳсулотни топшириш ва унинг учун ўз вақтида ҳақ тўлаш кафолатларини тезкор ҳал этиш масалаларининг самарадорлиги оширилади.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

**МАНА, НИҲОЯТ КУНЛАР ИСИБ КУМУШ ҚИШ ЎЗ ЎРНИНИ ФАСЛИ НАВБАҲОРГА БЎШАТИБ БЕРИШ ТАРАДДУДИДА. ЗАРРИН ҚУЁШ ЗАМИН УЗРА НУРЛАРИНИ СОЧИБ АТРОФГА ИЛИҚЛИК ТАРАТМОҚДА. ШАҲРИМИЗНИНГ ТУРЛИ ГЎШАЛАРИДА ЭСА ОБОДОНЧИЛИК ИШЛАРИ БОШЛАНИБ КЕТДИ.**



*Олий ўқув юртларида*

# ОБОД ВА ОРАСТА ГЎШАЛАР



Яқинда Тошкент автомобиль йўллари институтининг 4-сонли талабалар турур жойида «Обод ва ораста гўшалар» деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Кечани институтнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича биринчи проректори Дагар Расулов очар экан, талабаларга ўзлари истиқомат қилаётган ётоқхона ва ўқув даргоҳи ён-атрофининг тозалиги, саранжом-саришталиги, обод ва кўркамлигига эътибор бериш масъулиятли вазифа эканлигини, зеро ҳар бир фуқаронинг она юртимизнинг гўзаллигидан фахрланиб баҳра олиб яшаши, ўқиши ва изланиши янги-янги юксакликлар томон етаклашини таъкидлади.

Шунингдек, тадбирда Автомобилсозлик, Автотранспорт, Автомобиль йўллари, Касбий таълим каби факультетларнинг деканлари ҳам сўзга чиқиб диёримизнинг гуллаб- яшнаши, теварак-атрофимизнинг орасталиги одамлар қалбидаги ғуборларни тарқатиб юбориши билан бирга уларга ишчанлик кайфиятини ҳам инъом этишини, шунинг учун ҳам талабалар бор эътиборларини тозаликка қаратишлари жоиз эканлигини айтиб ўтдилар.

Тадбирда ҳафтанинг ҳар чоршанбаси “Тозалик куни” деб аталиши ва шу куни талабалар баҳор келиши муносабати билан ҳашар йўли билан ободончилик ишларини амалга оширишлари маълум қилинди.

Кеча давомида «Истиқболли авлод» ёшлар-ахборот маркази томонидан кам таъминланган талабаларга футболкалар тарқатилди.

Дарҳақиқат, баҳор фаслининг ифори оламни тутмоқда. Табиатда уйғониш жараёни ён-атрофимизга теранроқ нигоҳ ташлаб ободонлаштириш ишларини бошлаб юбориш фурсати етганлигини англаб олиш қийин эмас.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТЛАРДА: Тошкент автомобиль йўллари институтининг 4-талабалар турар жойи; талабалар ана шундай ораста хоналарда яшайдилар.**

# МАДАНИЯТ ХАЛҚЛАРНИ БИРЛАШТИРАДИ

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИДА ЎТКАЗИЛГАН «ТИЛ, МАДАНИЯТ ВА ЖАМИЯТ ТАМАДДУНЛАР ЧОРРАҲАСИДА» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО АНЖУМАНДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ЯПОНИЯ ДАВЛАТЛАРИ МАДАНИЯТИНИНГ ИНТЕГРАЦИЯ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.**

Унда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Марказий Осиё ҳудудидаги япон марказлари вакиллари иштирок этди.

Иштирокчиларнинг таъкидлашларича, маданият интеграцияси ҳамкорликни янада фаоллаштириш, ишбилармон доиралар ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Маълумки, ҳозирги вақтда мутахассислар ва оддий одамлар ўртасида умумий сўзлашув тилини белгилашга катта аҳамият берилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, лингвистика минтақавий интеграцияда етакчи ўринни эгаллайди. Бундан Япония ҳукумати томонидан япон тилини ўқитиш даражасини янада такомиллаштиришга катта аҳамият берилади.

Анжуман доирасида «Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг япон тили ва японшунослик хоналарини такомиллаштириш» лойиҳаси доирасида 87,3 минг доллар миқдоридаги грант-шартномаси имзоланди.

**«Туркистон-пресс»**

*Оз-оз ўрганиб доно бўлур...*

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**ОТА-ОНА, ОИЛА, ҚАРИНДОШ ВА ҚЎШНИЛАР ҲАҚИДА**

**Бошни фидо қил ато бошиға,**
**Жисмни қил садқа ано қошиға,**
**Тун-кунингга айлагали нурфош,**
**Бирисин ой англа, бирисин қуёш.**

**НАВОИЙ**

**Гар бу гулшанда ано бўлса гулу сарв — ато,**
**Сен каби туғмағуси сарви гуландом ўғул.**

**ОГАҲИЙ**

Ҳар бир дарахтнинг меваси бор, кўнгилнинг меваси эса фарзанддир.

**«ОТАЛАР СЎЗИ»**

**Ўшал фарзанд бирла шод бўлғай,**
**Бори қайғусидин озод бўлғай.**

**САЙЁДИЙ**

Бахтиёр бўлишни истасанг қуйидаги хислатларни ўзингда мужассам қилгин: аввало ота-онанинг ҳаққини адо қил, ота-она хурсандлиги киши учун дунёда катта давлатдир.

**Муҳаммад ҲУСАЙН**

**Ота-она беҳад бўлади хурсанд,**
**Фарзанд бўлолса муносиб фарзанд!**

**Муҳаммад Жавҳар ЗАМИНДОР**

Шуни англамоқ керакки, ота учун фарзанддан кўра яқинроқ кимса йўқ ва отанинг фарзандга бўлган муҳаббатининг қанчалик юксаклигини баён қилиш қийин. Лекин шунга қарамай, фарзанд отага нисбатан озгина беодоблик қилса, фарзанд муҳаббати ота назарида пастлайди ва унга жазо ва танбеҳ беришга киришади. Агар ота билан фарзанд ўртасидаги аҳвол шу экан, бир-бирига алоқаси ва яқинлиги бўлмаган кишилар орасида беадаблик юз берса, қандай нохушлик бўлади.

**Бархурдор ибн МАҲМУД**

**Ўзинг ҳам, молинг ҳам отангникидир.**

**ҲАДИС**

**Атога ким бу янглиғ қилса хизмат,**
**Ўз ўғлиндин анингтек тобғай иззат.**

**ҚУТБ**

Намози бомдоддин кейин волидангни зиёрат қил ва хизматида бўл.

**Муҳаммад Сиддиқ РУШДИЙ**

Аввало онангга яхшилик қил, яна онангга,яна онангга яхшилик қил, сўнгра отангга яхшилик қил!

**ҲАДИС**

«Аҳё» ва «Кимё» китобларида фарзанд ҳақида қуйидаги гаплар битилган: «Фарзанд ота-она қўлидаги омонатдир, унинг дили эса нафис гавҳарга ўхшайди. Гавҳарга ҳар хил нақшлар солиш мумкин бўлгани каби, бола дилига ҳам турли фикрлар нақшини солиш мумкин. Бола тоза ер кабидир, унга қандай уруғ сепсанг, ўша уруғ унади. Шунинг учун ота-она ва муаллим бу ишда ўзаро ҳамкор бўлиб, унинг дилига яхшилик уруғинигина сепмоқлари лозим».

**Бархурдор ибн МАҲМУД**

**Ўз диёримда мени ҳоли маконим бор эди,**
**Ақраб қавми қобил меҳрибоним бор эди.**
**Бир неча фарзандларим —**
**ширинзабоним бор эди,**
**Ўз қўлимда ихтиёру ҳам имконим бор эди,**
**Давр жаври бирла кўрки, кетди**
**илгимдин имон.**

**САЙҚАЛИЙ**

**Ҳикоят.** «Равзаи хулд» асарининг муаллифи Мавлоно Мажидиддиннинг ёзишича, у бир куни Язд шаҳрида ваъз айтаётган эди. Гап ота-она ҳақида кетаётган пайтда бир қария ўрнидан туриб, йиғлаганича, «Эй мавлоно, отасининг соқолидан тутиб, бошига калтак билан урган фарзанд ҳақида нима дейсан?» — деб сўради. Мен ундан: «Отаси уни нима ишга ўргатган эди?» — деб сўрадим. У эса: «Эшакни ижарага беришга», — деб жавоб берди. «Айб унинг отасида, — дедим унга, — болани ёшлигидан илм ўрганишга жалб қилганида ва яхши кишилар суҳбатига юборганида, ундан бундай иш содир бўлмас эди. Ота бундай қилиш ўрнига эшакни ижарага беришга ўргатипти. Натижада бола эшакни жиловидан тортиб, бошига чўп билан уришга ўрганиб қолган. У ўз отасининг соқолини эшакнинг жилови, деб ўйлаб тортган, бошига эса эшакнинг боши, деб ёғоч билан туширган».

Фарзандни жаҳл зимистонидан илм рўшнолиги томон етаклагинки, илм инсон фахри, жоҳиллик эса ғафлатдир.

**Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-ЖОМИЙ**

**Ўғил-қиз кичиклигида нимани ўрганса,**
**То қариб ўлмагунча унутмайди.**

**Юсуф Хос ҲОЖИБ**

Оталарнинг ўз фарзандларига нисбатан бўлган муҳаббат касри асосларидан бири — бутун куч ва қувватларини фарзандларини фаросат, камолот билан безатиб, уларнинг вужудини касбу ҳунар либоси билан кийинтирмоқларидан иборатдир.

**Бархурдор ибн МАҲМУД**

**Эрур мақсад авлоди ила фарзанд,**
**Икки дунёда қилгучи баруманд,**
**Улуғлардин бу сўз бордур муқаррар,**
**Ки ҳар одамда фарзанд ўлмаса гар.**
**Ани бўлмас замири коми ҳосил,**
**Бўлур балким сабоби доғи зойил.**

**ТОЛИБИЙ**

**Жаннат оналар оёғи остидадир.**

**ҲАДИС**

Отамиз оиланинг узоғини яқин ва йўғини бор қилиш учун доимий ҳаракатда бўлади. У бизнинг яшашимиз учун уй-жой ҳозирлайди. Кийдириш учун кийим-кечак топади. Ичишимиз ва ейишимиз учун овқат топиш пайидан бўлади. Борингки, ҳар бир оиланинг равнақи учун биринчи галда ҳаракат қиладиган киши отадир.

Болалар! Ота-боболаримиз биз учун тер тўкиб ҳаракат қилишни, қўлидан келган барча яхшиликларни биз учун муҳайё қилиш йўлида жон-жаҳд билан меҳнат қилаётганликларини билишимиз, бунинг шукронаси учун уларга итоат қилиш, айтганларини қулоқ қоқмай бажаришимиз, отамиз чарчаган онда ва ёрдам керак бўлган пайтда дарҳол ёрдамга шошилишимиз, фарзандлик бурчини ўташ учун ҳамиша шай туришимиз керак.

Ҳар бир фарзанднинг ота-онага ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиши ва уларга нисбатан шафқат ва марҳаматларини ишга солиши муҳим вазифаларидан биридир. Ўз ота-онасини рози қилмайдиган, уларни ранжитадиган фарзанднинг иши ҳеч қачон олға босмайди ва элнинг олдида обрўйи бўлмайди!

**Мустафо ҲОМИЙПОШШО**

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган**

# ЕТТИ ЎЛЧАБ, БИР КЕС

Таҳририятимизга турли мавзуларда хатлар келади. Улар орасида оила, севги- вафодан тортиб, қўйди-чиқдиларгача бор. Яқинда шундай мактублардан бири билан танишиб қолдим. Унда ёшгина бир аёл оиласидан ажралгани ва суд никоҳни бекор қилиш хусусидаги масалани ошираётгани ҳақида баён қилинарди. Хатда ёзилишича, йигит ва қиз барча қатори севиб-севилиб турмуш қуришган. Лекин уч ойга бормай, ҳали келинлик либоси ечилмай туриб аёл орзу-ҳавас билан келган хонадонини тарк этмоқчи. Нега? Сабаби эса арзимас, қайнона-келин ўртасида бўлиб ўтган кўнгилсиз можаро.

Мактубни ўқий туриб ўзим шоҳид бўлган бир воқеа хаёлимда жонланди.

Хосият хола ён қўшнимиз. Маҳалладошлар холанинг номини ҳурмат билан тилга олишади. Чунки у ҳаётнинг аччиқ-чучугини керагидан ортиқ татиб кўрганлардан.

Унинг эри Мусавой ака вафот этганида, Хосият опа ҳали беш ойлик келин экан. Эридан қолган ёдгорлик ўғли— Фарҳод туғилганида эндигина 20 баҳорни кўрган эди. Ўғли 2 ёшга тўлганда Хосият опа фабрикага ишга кирди. Тиниб-тинчимас аёл тез орада илғорлар сафидан ўрин олди. Орадан йиллар ўтгач, қайнота ва қайнона Хосиятга турмушга чиқишни маслаҳат беришади. Шунда Хосият уларга қараб шундай дебди.

— Отажон, ойижон, наҳотки уйингизга сиғмай қолган бўлсам? Наҳотки кўзингизнинг оқу-қароси, якка-ю ягона ўғлингиздан қолган ёдгорингиз — набирангиз тақдирини бегона бир эркак қўлига топширмоқчи бўлсангиз? Йўқ. Ҳаёт эканман ўғлингизнинг менга бўлган муҳаббатини асло унутмайман.

Келинининг бу сўзини эшитган қайнота ва қайнона йиғлашиб, Хосиятдан кечирим сўрашибди. Иккинчи бу ҳақида унга оғиз очишмабди.

Келин ҳақиқатан ҳам садоқатли чиқди. Эрининг ота-онаси ҳурматини жойига қўйди. Қариялар оламдан ўтишганда, ҳам ўғил, ҳам қиз бўлиб, уларнинг барча маросимларини ўтказди.

Ҳалол меҳнат Хосият опани эъзозлади. У бригадирлик қилди, ишбоши бўлди. Корхона касаба уюшмасига раҳбарлик қилди. Ўғли Фарҳод институтни тугатгач, уни катта тўй-ю томоша билан уйлантирди. Ўша кезлардаги опанинг қувончини айтмайсизми.

Бироқ бу қувонч узоққа чўзилмади. Ўғли Фарҳоджон машина аварияси туфайли ҳаётдан кўз юмди. Она ёлғиз икки набираси ва келини Севара билан қолди.

«Ўхшатмагунча учратмас» деганлари рост экан. Севара ҳам Хосият опанинг йўлини тутди. Бошқа турмуш қурмади. Бу қайнона ва келиннинг муҳаббати ва оилага садоқати маҳалладошлар тилига тушди. Одамлар ундан ибрат оладиган, бу оилага ҳавас билан қарайдиган бўлишди.

Биз бу ҳаётий лавҳа билан хат муаллифига ва унинг ёстиқдошига насиҳат қилмоқчи эмасмиз. Улар бунга муҳтож ҳам эмас. Чунки оқ- қорани таниган ўқимишли кишиларга ақл ўргатишнинг зарурати ҳам йўқ. Лекин ҳаёт йўли узун, унда баъзан адашишлар ҳам бўлиб туришини эслатиб қўймоқчимиз холос. Бу ўринда етти ўлчаб, бир кесмоқ керакки, сўнгги пушаймонга ўрин қолмасин.

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ИЗЗАТ ҚИЛСАНГ, ҲУРМАТ КЎРАСАН

Тиғиз пайт. Ёмғир шаррос қуйяпти. Йўловчилар бетоқат. Автобус келишини зор-интизор кутишяпти. Ниҳоят узоқда автобус кўринди. Ҳамма унга чиқишга шайланди. Ёш-яланглар орасида икки қария ҳам бор. Кимдир уларга йўл берди, кимлардир отахонларни туртиб-суртиб, автобусга чиқишга интилди. Хайрият, инсофлилар ҳам бор экан. Улар қарияларни қўлтиғидан тутиб, салонга чиқиб олишларига кўмаклашди.

Олдинги ўриндиқда ўтирган йигитлардан бири дарҳол ўрнидан туриб, қарияларга жой берди. Иккинчиси қимир этмай, бошини ойна томонга буриб олди. Отахонлар бирбирларига ҳурмат юзасидан «Сиз ўтиринг, сиз ўтиринг» қилишди. Улардан ёши улуғи бўш ўриндиқдан жой олди. Сўнг ўрнини бўшатиб берган йигитни дуо қилди.

— Умрингдан барака топ. Тупроқ олсанг олтин бўлсин, болам.

Кейин улар иккинчи йигитнинг қилмишига эътибор ҳам бермай суҳбатга тушиб кетишди. Тиқилинчда қалқиб-салқиб автобус бир, икки бекатга юрди. Тепасида тик турган мўйсафидга бемуносабат бўлиб ўриндиқда ястаниб бораётган йигит ён-атрофдагиларнинг ғашини келтирди.

— Ҳой бола, менга қара, олдингда қария киши турсаю, унга жой бермай, ўтиргани уялмайсанми? — деди улардан бири.

Яна биров бир нарса деди.

— Жой меники, хоҳласам бўшатиб бераман, хоҳламасам йўқ. Сизларга нима?

Йигитнинг сурбетларча айтган гапи бошқаларнинг ҳам асабини қўзитди.

— Уят, катталарга нисбатан бундай ҳурматсизлик, йигит кишига ярашмайди, ука.

— Менку ишга шошяпман. Булар қайга шошилади. Тиниб-тинчиб уйда ўтириб, борадиган жойларига, бафуржа бемалол боришса бўладику. Саҳарлаб тиқилинчда нима зарур.

Бу гап қарияларга малол келди.

— Ука, инсоннинг бошида яхши-ёмон кунлар бор. Агар бир тасодиф бўлмаганида, сен айтганчалик биз ҳам барвақт безовта бўлмас эдик. Заруриятдан чиқдик автобусга.

— Сен қанақа боласан ўзи? Тур ўрнингдан ҳозир. Бўлмаса ёқангдан олиб турғазаман, — деди яна биров ўдағайлаб.

Йўқ, иш ёқа олишгача бормади. Йигит зўр-базўр ўрнидан турди. Лекин қанча зўрлашмасин тик турган отахон у бўшатган жойга ўтирмади.

Йигит навбатдаги бекатда жаҳл билан автобусдан тушиб кетди.

— Падарингга лаънат.

Шу аллозда йигитлардан бири дуо олди. Иккинчиси нафақат ўзига, балки, ота-онасига ҳам лаънат келтирди.

Шу дам хаёлимга қуйидаги байт келди:

**Ёшмисан, кексани сен ҳурмат айла,**
**Ўзинг ҳам қарийсан, ҳозирдан ўйла.**
**Кексага кўмак бер— суянган тоғинг,**
**Буни тушунасан, қариган чоғинг.**

Ҳа азиз ёшлар, кексаларни ҳурмат қилинг. Зинҳорбазинҳор уларнинг устидан кулманг. Вақтики келиб ўзингиз ҳам қариб, шундай ҳолга тушасиз.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**«ЭСКИ ЖЎВА ДЕҲҚОН БОЗОРИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ХАБАРИ**

**Хабар тартиб рақами 09**

1. «Эски жўва деҳқон бозори» ОАЖ 2006 йил 22 февраль кунига белгиланган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий мажлисида кворум етарли бўлмаганлиги сабабли қолдирилсин.

2. Акциядорлар умумий мажлисининг янги муддатини белгилаш «Акциядорлик жамияти ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш қонуни»нинг 69, 75-бандларига асосланган ҳолда жамият кузатув кенгашига юклатилсин.

**«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси**





Тошкент Давлат цирки 2006 йил 10 февралдан бошлаб Тошкент цирки манежида

**«ЙИРТҚИЧЛАР АТТРАКЦИОНИ»**

**Дастурда:**

**Бенгал йўлбарслари, Африка шерлари, Гамадрилья маймунлари, Ҳимолай айиқлари, ўргатилган пакана отлар ва кўпгина бошқа ҳайвонлар иштирок этади!!!**

Томоша қилишга шошилинг!

Томошалар: жума кунлари 18.00, шанба ва якшанба кунлари 12.00, 15.00 да бошланади.

Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилмоқда.

Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.

Касса эрталабки соат 9.00 дан очиқ.

**Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.**

**«НАВРЎЗ ДЕҲҚОН БОЗОРИ» АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

Хабар тартиб рақами 09

**Умумий мажлис тури:** Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий мажлиси.

**Умумий мажлис ўтказилган вақт:** 2006 йил 15 февраль

**Умумий мажлис ўтказилган манзил:** Жамиятнинг маъмурият биносида.

**Умумий мажлисда қатнашганлар:** 41178 овозга эга 11 та акциядор.

**Кворум:** 82.3 фоиз.

Умумий мажлис кун тартиби асосида берилган овозлар натижалари:

1.Жамиятнинг низом жамғармасини ошириш масаласи. «Рози» — 25500 (62 фоиз), «Қарши» — 15678 (38 фоиз), «Бетараф» — 0 овоз билан қабул қилинмади.

2. Жамият низомига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида. «Рози» — 25500 (62 фоиз), «Қарши» — 10678 (26 фоиз), «Бетараф» — 5000 (12 фоиз), овоз билан қабул қилинмади.

